

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН АЁЛ АЙБЛАНУВЧИЛАРГА ҚИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТАРТИБИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Қаришьева Мафтуна Мусурмон қизи
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси магистратура битирувчиси

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида содир этилган ижтимоий ҳафли қилишни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фoш этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг вазифаси ҳисобланади.

Жиноят процессуал кодексининг 15-моддасига асосан, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини кўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт. Албатта, жиноят қонунчилиги билан тақиқланган, айбли ижтимоий ҳафли қилмишга нисбатан қонун доирасида тегишли тартибда жазо берилиши шарт. Бироқ, ҳар доим ҳам жиноятчи содир этган қилмиши учун тегишли жиноий жавобгарликка тортилмаслиги мумкин. Бунга жиноятчининг жиноят содир этилган жойдан яшириниши ёки тергов ва суднинг турли босқичларида жазодан озод бўлиш учун қочиб кетитиши сабаб бўлади. Бунда айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонунчилигига мувофиқ фақат айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилиниши мумкин (ЖПК 365-модда 1-қисм).

А.П.Гуляевнинг фикрича: “қаердалиги номаълум бўлган айбланувчини қидириш терговчининг энг муҳим қидирув функцияларидан бири ҳисобланади¹”. Терговчининг тергов фаолиятининг асосий вазифасидан бири жиноятчини қидириш бўлган ва шундай бўлиб қолади. Россиялик жиноят процессуал ҳуқуқ олимларнинг фикрича “қидирув” сўзи тор ва кенг маънода тушуниш мумкинлиги қайд этишади. Тор маънода қидирув деганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлган аниқ объектларни қидириш тушунилади; сўзнинг кенг маъносида қидирув - бу жиноятларни очиш ва тергов қилиш бўйича чоратадбирларнинг бутун мажмуасидир². В.И.Попов нуқтаи назаридан, кенг маънода

¹ Гуляев А. П. Следователь в уголовном процессе / А. П. Гуляев. — М.: Юрид. лит., 1981. — 22-23 с.

² Гончар В. В. Деятельность следователя по розыску подозреваемых и обвиняемых: дис. канд. юрид. наук / В. В. Гончар. — М., 2007. — 16 с.

“қидирув” сўзи тергов ва суриштирув органларининг жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш жараёнидаги фаолиятини англатади³.

Агар айбланувчи ўз вақтида топилмаса, дастлабки тергов ҳаракати тўхтатилиши мумкин (ЖПК 364-моддаси). А.И.Бастрайкин ва А. А. Усачев асосли равишда “дастлабки терговни тўхтатиб туриш - бу қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда уни ўтказишда вақтинчалик танаффус бўлиб, шу сабабли ҳозирги вақтда кейинги тергов имконсиз бўлиб қолади”. М. С. Строговичнинг нуқтаи назаридан, бу асос "терговчи айбланувчининг қаердалигини билмайди, лекин айбланувчининг шахси аниқ маълум" деган маънони англатади.

Айбланувчини қидириш биринчи навбатда қидирувда бўлган шахс билан бирга ёки маҳаллада яшовчи шахсларни (эри, хотини, онаси, отаси, бувиси, бобоси, опа-сингили, укаси, вояга етган болалари, қариндошлари, дўстлари, қариндошлари, қўшнилари, ҳамкасблар, собиқ ҳамкасблар ва бошқалар) сўроқ қилишдан бошланиши керак. Терговчига ғойиб бўлган шахснинг табиати тўғрисида аниқ хулоса ҳосил қилиши ва қидирувда бўлган шахснинг терговдан ғойиб бўлгунга қадар хатти-ҳаракати, одатлари, хоҳиш-истаклари тўғрисида маълумот тўплаши лозим. Бироқ, айбланувчи ҳақида тўпланаётган маълумотларга тўлиқ ишониш керак эмас. Сабаби қидирувдаги шахснинг яқинлари қасддан қидирилаётган шахснинг жойлашган жойида виждонан хато айтиши ёки айтмаслиги, у билан тил бириктирган ҳолда қасддан тергов ҳаракатини чалғитиши мумкин.

Терговчи жиноят субъектининг сирли равишда ғойиб бўлишидан ҳам эҳтиёт бўлиши керак, бу турли сабабларга кўра бўлиши мумкин: чақирув қоғозларини олмаслик, яшаш жойини ўзгартириш, хотирани йўқотиш, ҳарбий хизматга чақириш, тиббий муассасаларда бўлиш, бахтсиз ҳодисага учраши, қотиллик, чет элда хизмат сафариди бўлиш, бошқа жиноят содир этганлиги сабабли ҳибсга олиниши ва бошқалар. Тўсатдан ғойиб бўлиши қидирувни янада мураккаблаштириши мумкин. Кутилмаган ғойиб бўлиш ҳам яширинган одамнинг тактикаси бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси дастлабки тергов органларини ғойиб бўлган айбланувчини қидириш бўйича барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини юклатилган.

Бугунги кунда аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони кун сайин ўсиб бориш билан бирга ўзига хос хусусиятга эга бўлмоқда. Мисол учун, тадқиқотчиларнинг қайд этишича, аёллар жиноятчилиги кўпроқ уюшганлик

³ Попов В. И. Розыскная деятельность при расследовании преступлений: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук / В. И. Попов. — М., 1965. — 13 с.

хусусиятига эга. Содир этилган жиноятлар солиштирма оғирлигида уюшган гуруҳлар таркибида аёллар улуши 10 фоизга ортмоқда. Гуруҳ таркибида содир этилган кўпгина жиноятларда аёллар томонидан олдиндан келишув мавжуд бўлган, тахминан ҳар учинчи жиноят, гуруҳ таркибида содир этилган жиноятларда аёллар иштироки 40 фоизгача ўсганлигини рад этиб бўлмайди.

Аёллар ҳам жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида жиноят жойидан яширинишлари ёки тергов ҳаракатлари давомида ҳозир бўлмасдан қочиш кетишлари мумкин. Аёл айбланувчиларга нисбатан қидирув эълон қилишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг умумий қоидалари қўлланилди.

Кўпгина хорижий давлатларда аёлларга нисбатан қидирув эълон қилиниб, ушланиш тартиби алоҳида белгилаб қўйилган. Жанубий Корея Жиноят процессуал кодексининг 124-моддасига кўра, аёлни қидиришда бошқа вояга етган аёл томонидан амалга оширилади. Худди шундай қоида, Кения Республикаси (ЖПК 27-моддаси), Хитой Халқ Республикаси (ЖПК 137-модда), Япония (ЖПК 131-моддаси) ва бошқа қатор давлатларнинг жиноий процессуал қонунчилигида учратиш мумкин.

Қидирувдаги аёл айбланувчиларни аёл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходим томонидан қидирилиши мақсадга мувофиқ. Сабаби аёл жиноятчилар эркак жиноятчиларга қарагандан соғлиқ ва руҳий жиҳатдан анча заиф бўлади. Шу сабабли қидирувдаги аёл айбланувчиларни қўлга ушлашда аёл ҳуқуқни муҳофаза қилуви ходимни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
2. Жанубий Корея Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
3. Хитой Халқ Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
4. Кения Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
5. Гуляев А. П. Следователь в уголовном процессе / А. П. Гуляев. — М.: Юрид. лит., 1981. — 192 с.
6. Гончар В. В. Деятельность следователя по розыску подозреваемых и обвиняемых: дис. канд. юрид. наук / В. В. Гончар. — М., 2007. — 188 с.
7. Попов В. И. Розыскная деятельность при расследовании преступлений: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук / В. И. Попов. — М., 1965. — 47 с.